



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй  
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштихан ул. Иштиханская д.4,  
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

20/18-у.г «24» март

№ 809-к

Иштихон ш.-г. Иштихан

Тумандаги “Бўстон” МФЙ ҳудудидаги  
“Бўстон” қишлоғи ҳудудидан фуқаро  
Хасанова Муҳаббатга “Болалар боғчаси”  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳри Сирғали тумани Ўзар МФЙ Ўзар кўчаси 25-уйда яшовчи фуқаро Хасанова Муҳаббатнинг “Бўстон” МФЙ ҳудудидаги “Бўстон” қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган 538-рақамли контурдаги 0.18 гектар ер майдонида “Болалар боғчаси” қуриш учун ер майдони ажратиб беришнинг сўраб ёзган аризасини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36-моддасига асосан:

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Хасанова Муҳаббатга “Бўстон” МФЙ ҳудудидаги “Бўстон” қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган 538-рақамли контурдаги ер майдонида 50 (эллик) ўринли “Болалар боғчаси” биносини қуриш учун 0.18 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Хасанова Муҳаббатга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик ҳулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Болалар боғчаси” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов